Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 110 (4805).
17 МАЙ 1982 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

○ «Шахталарни тезроқ қурайлик» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

○ Учишни бошқариш маркази хабар қилади: «Салют-7»— «Союз Т-5» бошқариладиган илмий-тадқиқот комплексининг учиши давом этмоқда. Космонавтлар Анатолий Березовой ва Валентин Лебедев станцияни бошқариладиган парвоз режимига ўтказиш бўйича ишларни бажаришга киришдилар. Космонавтларнинг вазнсизлик шароитларига кўникиш жараёни нормал ўтмоқда.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

ҲАР БИР КУНИМИЗ ЗАРБДОР БЎЛСИН

БУГУН ЛЕНИН КОМСОМОЛИГА БАҒИШЛАНГАН 28-ЗАРБДОР ҲАФТА БОШЛАНДИ

СУРАТДА: «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида 12 йилдан бери тикувчи-моторист бўлиб ишлаб келаётган Сабура Абдуллаевани кўриб турибсиз. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга бўлган ишчи ҳозирда 1982 йилнинг декабрь ойи ҳисобига маҳсулот бермоқда.

И. Шоиногомов фотоси.

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон пойтахти индустрияси ходимлари умумхалқ байрами — 1 Майни муносиб меҳнат ғўҳфаларн билан кутиб олдилар. Маҳсулот реализация қилиш ва халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш бўйича тўрт ойлик давлат топшириғи муддатидан илгари, 28 апрелда бажарилди.

Натижада, шаҳар статистика бошқармаси маълумотларига қараганда, 1982 йилнинг тўрт ойи плани саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича 2,1 процентга ортиғи билан ado этилди. Меҳнат унумдорлиги топшириққа нисбатан 103,5 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,0 процент юксалди, меҳнат унумдорлиги эса 1981 йилнинг январь ойига нисбатан 4,8 процент ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ўсиши 96,0 процентни ташкил этди.

Шаҳар районларида саноат ишлаб чиқаришн планнинг бажарилиши ва ўсиш суръати йилнинг тўрт ойи мобайнида қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

Шаҳар районлари	Реализация бўйича планнинг бажарилиши процентларда: Шу йилнинг апрелида	Шу йилнинг январь-мартида	Утган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати, процентларда: реализация бўйича	ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	меҳнат унумдорлиги бўйича	Шу йилнинг январь-апрелида планга қушимча маҳсулот реализация қилиш бўйича
Шаҳар бўйича	102,5	102,1	106,5	105,0	104,8	122,3
Акмал Икромов районы	102,2	103,5	101,0	106,3	106,4	169,0
Киров районы	103,1	101,6	100,7	99,8	99,4	89,1
Куйбишев районы	101,7	101,6	104,1	104,9	104,1	116,8
Ленин районы	106,1	102,9	108,0	105,6	104,3	189,8
Октябрь районы	102,4	103,2	105,1	104,4	103,6	144,0
Собир Раҳимов районы	102,3	102,3	107,5	107,0	106,2	101,6
Сергели районы	103,7	102,3	108,8	105,7	104,3	136,2
Фрунзе районы	100,8	101,2	106,2	105,3	110,4	129,1
Чилонзор районы	101,9	103,1	109,9	108,6	106,2	113,4
Ҳамза районы	102,7	102,2	108,6	105,3	104,3	103,7

Товар маҳсулот реализация қилиш бўйича давлат топшириғини шаҳарнинг барча районлари бажарди.

1982 йилнинг тўрт ойи мобайнида Тошкент саноати планга қўшимча 24 миллион 321 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, Акмал Икромов райони 1.352 минг сўмлик, Киров райони 1033 минг сўмлик, Куйбишев райони 3038 минг сўмлик, Ленин райони 3416 минг сўмлик, Октябрь райони 2420 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 1.739 минг сўмлик, Сергели райони 1.498 минг сўмлик, Чилонзор райони 907 минг сўмлик, Ҳамза райони 6.948 минг сўмлик, Фрунзе райони 1.911 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот реализация қилди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда асбобсозлик, экскаватор, «Ташавтоматика», лак-бўёқ «Эталон», 2-ёғочни қайта ишлаш, химия-фармацевтика, электрон техника, кўнмўйна, «Компрессор», экскаватор ремонти, «Ташэлектромаш», «Средазгазавтоматика» заводлари; «Чевар», «Қизил тонг» тикувчилик, «Средазэнергоцветмет», «Ташкентпиво», «Тошкент» мармар бирлашмалари, «Силитак», мебель (Сергели), кўн-галантерея, ва спорт товарлари бирлашмалари; миллий чолғу асбоблар фабрикаси, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, мебель ойналари, Тошкент ўйинчоқлар, кўн-галантерея буюмлари фабрикалари; булка-кондитер, «Турист» илмий-ишлаб чиқариш комбинати, қурилиш материаллари саноати, 2-дон маҳсулотлари, 1-ва 2-уйсозлик комбинатлари, шунингдек «Центргазэнергоремонт», Тошкент маҳаллий саноат бошқармасининг бадиий-конструкторлик бюроси ва бошқа коллективлар юксак суръатларга эришдилар.

Шаҳарнинг кўпгина корхоналари ўзларининг шартномадаги мажбуриятларини бажара бориб, муҳим халқ хўжалиги буюмлари ишлаб чиқариш бўйича ойлик топшириқни муваффақиятли ado этдилар.

Пойтахт меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V Пленумининг «КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топшириш пайтидаги нутқида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги суҳбатда берган кўрсатмаларини бажариш бўйича республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги қарорини жанговар программа сифатида қабул қилдилар. Шаҳарнинг кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини янги меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишга интилмоқда.

Барча иш жойлари ва бригадаларда, цехлар ва корхоналарда ишлаб чиқаришнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, меҳнатни ташкил этиш даражасини кўтариш, мусобақа қатнашчилари 1982 йил учун белгиланган план ва мажбуриятларнинг муваффақиятли ado этишларини таъминлаш лозим.

КОМСОМОЛЛАР КОМБАЙНИ~ТУҲФА

«Ташсельмаш» заводи қўйиш цехидан Алексей Ан бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача тежаб қолинган материаллардан планга қўшимча равишда пахта териш агрегатини ишлаб чиқариш таклифини бошлади. Ёш машинасозлар юбилей вахтаси давомида кўп миқдордаги металлни тежаб қолиш ва шу металлдан қўшимча «зангори кема» учун узель ҳамда деталларнинг комплектларини ишлаб чиқаришни таклиф этдилар.

Заводнинг турли участкаларида ишлаётган элликдан кўпроқ комсомол-ёшлар бригадаси бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, Комсомол йигилишларида машина деталларини ишлаб чиқаришнинг келишиб олинган графиги тасдиқланди.

ВЛКСМ XIX съезди арафасида завод цехларида комбайнни муддатидан илгари тайёрлаш ва уни Жиззах областидаги А. Икромов номли қўриқ совхозга «оқ олтин» теримн бошланишига қадар етказиб бериш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ОЛТИНЧИ СЪЕЗДИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республика ўқитувчилари олтинчи съездининг делегатларини, халқ маорифи ходимларнинг кўп минг кишилик отрядини кизин ва самимий табриклайдилар.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг хозирги съезди шонли бир пайтда, барча совет кишилари каби республика меҳнаткашлари ҳам КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш, ўн биринчи беш йиллик улуғвор режаларини бажариш учун зўр ғайрат-шижоат билан астойдил курашлар олиб бораётган, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига муносиб равишда вахтада турган бир даврда ўтмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг яқинда Тошкент шаҳрига келиб, Ўзбекистонга Ватаннинг юксак мукофоти — Ленин орденини топширганлиги ва республика олдига янги улуғвор вазифаларни қўйганлиги республикамиз меҳнаткашларининг кучларига катта куч қўшди.

Шонли ўқитувчилар — ёш авлоднинг мураббийлари коммунистик қурилиш умумхалқ ишига, партиянинг улуғвор режаларини бажаришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда ўқитувчилар чинакам оталарча меҳр-муҳаббат ва иззат-ҳурмат билан қуршаб олинган. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, Ленин ишининг содиқ давомчиси, ҳозирги замоннинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, халқлар тинчлиги ва бахт-саодати учун сташин курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси коммунизм бинокорлари ёш ўринбосарларининг мураббийлари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Халқ ўқитувчисига ленинча муносабат жамоатчиликнинг зўр ишончи билан катта партиявий талабчанликни бир бирига узвий равишда боғлаб, ёшларни тарбиялашда педагогнинг обрў-эътибори ва ролини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон халқ маорифи ходимлари партия ва ҳукуматнинг ана шу ғамхўрлигига жавобан ёшларни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ютуқларни кўпайтирмоқдалар. Улар ўнинчи беш йилликда умумий таълим мактаби олдида турган топшириқларни шараф билан бажардилар. мажбурий умумий ўрта таълим шароитида янги вазифаларни муваффақиятли равишда ҳал этмоқдалар.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон ССРда ҳам ўқувчи ёшларнинг ҳаммаси ўрта маълумот олмоқда. Ўқув жараёнининг самарадорлиги ошди, мактабнинг таълим ва тарбия функциялари анча ортди, мактаб ўқувчиларни илмий дунёкараш билан, чуқур ва мустаҳкам билимлар билан қуроллантирмоқда. ёшларга юксак маънавий фазилатларни сингдирмоқда. Меҳнат таълими ва касбларга йўллаш ишлари мактабда етакчи ўринни эгалламоқда. Совет халқлари ўртасидаги алоқа ва дўстликнинг қудратли воситаси улуғ рус тилини болаларга ўргатувчи педагоглар янги муваффақиятларга эришдилар.

Халқ маорифи ходимлари олдида кўпгина катта ва масъулиятли ишлар турибди. «Бугунги асосий вазифа, — деб белгилади КПСС XXVI съезди, — мактабда ўқитиш, меҳнат тарбияси ва ахлоқий тарбия сифатини оширишдан, ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг меҳнат самараларини баҳолашда расмиятчиликка барҳам беришдан, таълим билан ҳаётнинг боғланишини амалда мустаҳкамлашдан, мактаб болаларини ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашни яхшилашдан иборат».

Умумий ўрта таълимни, ўқув-тарбия жараёнини, ёшларни тарбиялаш форма ва методларини муттасил такомиллаштириш, бизнинг ўринбосарларимизда ижтимоий бурчни ҳис этишни, марксча-ленинча дунёкарашни камол топтириш — мана шу талабларнинг ҳаммасини йигит ва қизлар қозвий матонатли, Ленин партияси улуғ иши учун иродали курашчилар сифатида ҳаётга қадам қўйишларидан астойдил манфаатдор бўлган ривожланган социализм жамиятининг талаб-эҳтиёжлари тақозо этади.

Мактаб олдига қўйилган вазифаларни бажариш муваффақияти даставвал ўқитувчига, унинг қозвий етуклигига, билимига, педагогик маҳоратига, ҳаётдаги актив позициясига боғлиқ бўлади Коммунизмнинг ёш бинокорларини тарбияламоқ учун ўқитувчи ўзининг қозвий-сиёсий ва профессионал маҳоратини муттасил ошириб бориши, ҳамиша ва ҳар ишда ёшларга ўрнак бўлиши керак.

Мактаб тўғрисида ғамхўрлик қилиш умумхалқ ишидир. Шу боисдан партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол, оталик қилувчи корхоналарнинг коллективлари, ижодий союзлар, республикаларнинг бутун жамоатчилиги бундан буён ҳам мактаб ишини янада яхшилашда актив иштирок этишлари лозим.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика ўқитувчилари олтинчи съездининг муваффақиятли ишлашини тилайдилар ҳамда республика халқ маорифи ходимлари партия билан халқ олдидаги юксак бурчини шараф билан бажарадилар. Ўзининг бутун билими, тажрибаси ва куч-ғайратини КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга, ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш олижаноб ишига сарфлайверади, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШЛАРИДА

ШЎРТОН ГАЗИ—ТОШКЕНТГА

«Средазнефтегазстрой» трестида иккита кўчма шаҳарча барпо этилган бўлиб, бу шаҳарчаларга экскаваторчилар, бульдозерчилар, қувур ётқизувчилар, изолировка қилувчилар кўчиб кирдилар. Улар оз эмас, кўп эмас — 140 километрдан ортиқ масофани босиб ўтишлари керак. Қурилаётган янги газ қувурининг узунлиги ҳам худди шунча келади. Бу газ қувури орқали республиканинг асосий саноат зонаси— Тошкент ва Тошкент области корхоналарига ҳар йили олти миллиард кубометр арзон табиий ёқилғи Қарши даштининг ғр багридан юборилиб турилади.

Магистрал Шўртан газ ўтган йили етиб келган Сирдарё ГРЭСидан бошлаб ўтказила бошланади. Қурилишни жадаллаштириш мақсадида иккита отряд ташкил этилган бўлиб, бу отрядлар ер қазувчи ва қувур ётқизувчи қудратли техника билан таъминланган. Биринчи отряд Сирдарё ГРЭСидан бошлаб етмиш километрга етадиган участка қурилишини олиб бормоқда. Бу ерда ўн тўрт километрдан ортиқ қувур траншеяларга ётқизилди. Маҳсус полигонда эса янги кўп километрли қувурлар тизмаси пайванд қилинди. Баҳайбат шатакчи машиналар пайванд қилинган қувурларни магистралга етказиб бермоқдалар. 70 километрлик масофадан Тошкентгача бўлган иккинчи участкада 17,5 километр қувур ётқизилди.

Қурувчилар олдида жуда кўп тўсиқлар турибди. Улар ўнлаб суғориш каналларини Сирдарё ва Чирчиқ каби азим дарёларни босиб ўтишлари керак. Газ қувурининг ўзи ҳам ўта мураккаблиги билан ажралиб туради — таркибида олтингугурт аралашмаси бўлган Шўртон кони гази бир метрдан ортиқ диаметрли пўлат қувурдан ўтади. Шунинг учун ҳам металлни занглашдан ҳимоя қилувчи алоҳида воситалар яратилмоқда.

Магистрални графикдаги муддатдан олдин қуриб, келгуси йилдаёқ ишга туширишга қарор қилинди. Ниҳоятда бой коннинг арзон гази Тошкент ГРЭСининг, оловхоналарида, Оҳангарон ва Бекобод цемент комбинатининг хумдонларида, пойтахт областининг бошқа корхоналарида аланга олади.

ЎзТАГ мухбири.

ФУТБОЛ БЕШИНЧИ ДУРАНГ

Кеча футбол бўйича 45-СССР чемпионатининг навбатдаги турида Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Москвада маҳаллий «Спартак» коллективи билан нуч синашди. Ҳар икки команданинг барча ҳаракатларига қарамай учрашувда ҳисоб очилгани йўқ — 0:0.

«СТАРТ» ДА СПОРТ БАЙРАМИ

«Старт» стадионида Тошкентдаги мактаб ўқувчиларининг XXVIII спартакиадасига бағишланган оммавий спорт байрами бўлиб ўтди.

Шаҳар мактаб ўқувчиларининг бу спорт байрамини ўзига хос ёшлик, саломатлик, кучлилик ва чаққонлик кўриги деб аташ мумкин. Стадионда ўтирган томошабинлар олдида шаҳардаги энг яхши спортчилар ўзларининг маҳоратларини намойиш этишди. Спортчи-ўқувчилар спорт ветеранлари омад тиладилар.

Шаҳар мактаб ўқувчиларининг спартакиадаси маррага яқинлашмоқда. Дастлабки босқич мусобақалари шуни кўрсатдики, физкультура ва спорт ўқувчиларнинг кундалик шуғулланадиган фойдали машғулотларига айланиб қолди. Бу нарса тошкентлик ўқувчи-спортчиларнинг маҳоратлари тобора ошиб бораётганлигида яққол кўзга ташланмоқда. Ўқувчилар ўзларига маъқул спорт билан шуғулланиш имконига тўла эга бўлганликлари учун шаҳримизда катта спортга йўл олган ёшларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Юлиус Фучик номли музейда Чехословакиянинг немис-фашист босқинчиларидан озод этилганлигига 37 йил тўлиши муносабати билан учрашув кечаси бўлиб ўтди.

Учрашувга Тошкентда яшаб меҳнат қилаётган чех дўстлар ташриф буюришди. Меҳмонларни Ю. Фучик номли интернационал дўстлик клуби аъзолари, пионерлар гулдасталар билан кутиб олдилар. Учрашувда Юлиус Фучик билан учрашган ветеранлар Н. Г. Бобкова ва В. П. Андреевлар сўзга чиқдилар. Меҳмонлар орасида Чехословакия озодлиги учун жангларда қатнашган ветеранлар А. Аҳроров, П. Перченко, М. Ковбас иштирок этиб, жанг хотираларини гапириб бердилар.

Учрашув сўнггида пионерлар меҳмонларга эсдалик совғаларини топширдилар, куй-қўшиқлар ижро этдилар.

Темирйўлчилар маданият саройининг катта залида маданият халқ университетининг якунловчи машғулоти бўлди. 500 дан зиёд тингловчи Октябрь революцияси алангаларида вужудга келган совет санъатини чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлди. Совет драматурглари, режиссёр ва актёрлари санъатнинг партиявийлиги ва халқчиллиги тўғрисидаги ленинча таълимотга асосланиб мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеаларни акс эттирувчи спектакль ва кинолента яратишяпти, ўз ижодларида ишимиздаги камчиликларни танқид қилишяпти. Якунловчи машғулотда «Амстердамдан олинган узук» фильмида бош ролни ижро этган артист А. Збруев иштирок этди. Ана шу фильм юзасидан мунозара бўлди. Бугунги кунда Ленин районида 35 халқ университети ишлаб турибди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган буюмлар коллекциясига яна уч буюм қўшилди. Польшадан олинаётган «Цезарь» плашчбоп газламасидан тикиладиган пиджак, Японияда ишлаб чиқарилган «Тетерон» газламасидан тикилаётган эркаклар костюми ва жун костюм шулар жумласидандир. Эндиликда бирлашмада Сифат белгиси билан 24 моделда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу ялпи маҳсулот ҳажмининг 26,9 процентини ташкил этади. Бу йил юқори сифат категорияси билан белгиланган маҳсулотлар ҳажми янада ошади.

Ўзбекистон театр жамиятининг актёрлар уйи 22-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртида Ўзбекистон ССР халқ артистлари Обид Толинов ва Муҳаббат Йўлдошева билан учрашув ўтказди. Актёрлар уйининг консультанти М. Раҳимова Охунбобоев номли ўзбек ёш томошабинлар театрининг таниқли артистларини билим юрти талабаларига таништирди, уларнинг ижоди ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Артистларнинг ўзлари ҳам театрдаги фаолиятлари ҳақида гапириб бердилар. О. Толипов — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. У театрга бундан 50 йил муқаддам келган, революция жангчилари ҳақидаги, совет ҳокимияти билан бирга янги ҳаёт қурганлар ҳақидаги дастлабки спектакларда ўйнаган. Обид Толипов бу театр саҳнасида биринчилардан бўлиб Ленин ролини ижро этган. Учрашувда у Поповнинг «Опла», М. Шатровнинг «Революция номи билан», К. Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» спектакларидан монологлар ўқиб берди.

Муҳаббат Йўлдошева кўпчиликка Володя Ульяновнинг онаси Мария Александровна ролини ижро этган артист сифатида яхши таниш. У «Опла», «Нуриддийдам Володя» ва бошқа спектакларда ҳам етакчи ролларни ижро этган.

Ўқувчилар саҳна усталарини самимий кутиб олдилар. Бундай учрашувлар анъанавий бўлиб қолади. Актёрлар уйининг ташаббуси билан худди шундай учрашувлар ўқув муассаларида, клубларда, маданият саройларида бўлиб ўтмоқда. Яқинда шундай учрашувлардан бири Тошкент Давлат университетининг маданият саройида СССР халқ артисти Тамарахоним билан бўлиб ўтди.

Тошкент кабелсозлари учун Ж. Обидова кўчасида қурилган 40 квартирали уй муддатидан тўрт ой илгари фойдаланишга топширилди. Объектнинг муддатидан илгари фойдаланишга топширилишига транспорт, материал ва ишчи кучи билан катта ёрдам берган «Средазкабель» бирлашмасининг капитал қурилиши бўлимининг ҳиссаси катта бўлди. Бўлим бошлиғи А. Қўчқоров ва катта инженер Г. Авдеев лойиҳани танлашда ҳам ёрдам бердилар. Шу туфайли кабелсозлар замонавий планировкага эга бўлган шинам квартираларга кўчиб кирадилар. Янги квартираларнинг калитини олган оилалар қаторида 103-цехнинг мастери М. Вергазов, техника назорати бўлимининг контролёри А. Донских, 21-цех ишчиси Л. Лапшин, 04-цех ишчиси С. Сольников ва бошқалар бор. Ўнинчи беш йилликда бирлашма ходимларидан 102 оила ўз уй-жой шароитларини яхшилади. Жами 3524 квадрат метр турар жой майдони фойдаланишга топширилди. Ж. Обидова кўчасидаги ўн ўн биринчи беш йилликда фойдаланишга топширилган дастлабки уйдир.

Ўзбек Давлат филармониясининг «Ханда» ансамбли қардош Тожикистон бўйлаб гастролга жўнаб кетди. Ансамблнинг концерт программасидан Аббос Муҳиддиннинг сценарийси бўйича қўшиқ, рақс, сатирик шеър ва породиялардан ташкил топган янги эстрада томошаси ўрин олган. Ансамбль сафида Шерқўзи Ғозиев, Санобар Раҳимова, Мамасоли Ҳолматов ва бошқа ижрочилар бор. Улар Тожикистон шаҳар ва қишлоқлари меҳнатчиларн олдида, ёшлар олдида концерт берадилар. Гастроллар икки ҳафта давом этади.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дам олиш зонасида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган «Она шуҳрати» байрами бўлди. Тантанали вазиятда пойтахтнинг Киров районида истиқомат қиладиган қаҳрамон оналар шарафланди.

Ҳозирда мамлакатимизда бир кунда 7 мингдан зиёд никоҳ қайд этилади, 13 минг бола туғилади.

Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза этишнинг ягона системаси вужудга келтирилди. Давлат оналар ва чақалоқларга медицина хизмати кўрсатишни тўла ўз зиммасига олган. КПСС XXVI съезди қарорларида ҳам оналарга қатор имтиёзлар берилиши кўзда тутилган.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Яқинда Сандиночилар озодлик фронти миллий раҳбарлиги аъзоси Даниэл Ортега бошчилигидаги Никарагуа Республикаси давлат делегациясининг СССРга қилган расмий дўстона визити халқаро ҳаётда муҳим воқеа бўлди. Чет эллардаги кўпгина матбуот органлари Совет—Никарагуа музокараларининг якунлари, Л. И. Брежнев ва Д. Ортега ўртоқларнинг Кремлда сўзлаган нутқлари муносабати билан билдираётган фикрларида Совет Иттифоқи ўзининг қарбий ярим шарда ҳам жаҳоннинг бошқа районларида ҳам мавжуд коскинлик ўчоқларини тугатиш ва янги шундай коскинлик ўчоқлари пайдо бўлишининг олдини олиш, давлатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўймаслик, низоли масалаларни тинч йўл билан, музокаралар столи атрофида ҳал этишдан иборат принципиал ташқи сиёсат йўлини яна бир бор тасдиқланганлигини таъкидламоқдалар.

Бизнинг мамлакатимиз қаҳрамон Никарагуа халқи билан қатъий бирдам эканлигини билдирди. Никарагуа халқи Сандиночилар миллий озодлик фронти раҳбарлигида ижтимоий мусобатларни демократик асосларда қайта қуриш ва социал тараққиётга эришишга киришди. Айни вақтда АҚШ ва унинг гумаштаси томонидан тинмай амалга оширилаётган ғиғоғарликлар ва ҳуружларга зарба бериш ва ўз мустақиллигини муҳофаза қилиш учун бутун куч-ғайратини сарфлашга мажбур бўлмоқда. СССР Никарагуа ҳукуматининг Марказий Америкада вазиятни нормаллаштиришга қаратилган тинчликсеварлик таклифларини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда.

Совет—Никарагуа муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қарор қилинганлиги музокараларнинг энг муҳим якунларидан бири бўлди. Томонлар КПСС билан Сандиночилар озодлик фронти ўртасидаги алоқаларнинг муҳимлигини таъкидладилар.

Иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий илмий-техникавий ва маданий алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда.

Н. ЧИГИРЬ,
ТАСС шарҳчи.

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

Наказлар бажарилмоқда

Умумхалқ байрами — халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган сайловларгача роса бир ой қолди. Ана шу муҳим воқеага тайёргарлик авж олмоқда. Ҳамма жойда сайловчилар рўйхатлари тузилган бўлиб, уларни қайта текшириб чиқилмоқда. Агитпунктлар қизғин ишламоқда, ҳамма жойда — кинотеатрларда, мактабларда тошкентликларнинг маҳаллий Советларга номзоди кўрсатилган кишилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Ушбу учрашувлар — сайловолди компаниясида муҳим босқич ҳисобланади. Чунки сайловчилар бўлғуси депутатлар билан учрашибгина қолмасдан, улар билан яқин суҳбатда бўлишади, нима ишлар қилинганини билиб олишади. Янги чақириқ депутатларига наказларни бажаришда янада қатъийроқ бўлишни, ташаббускорлик кўрсатиш истагини билдиришади.

Ўтган чақириқ депутатлари ҳар йили икки марта ўз фаолиятлари ҳақида ҳисоб бериб боришди, яъни сайловчиларга бажарилган ишлар ҳақида маълумот бериб туришибди. Ҳисоб бериб бориш — социалистик давлатимизнинг, совет сайлов системаси демократизмининг муҳим хусусиятларидан биридир. Бажарилган ишлар эса барчани қувонтиради.

1980 йил февраль ойида сайланган шаҳар Совети 224 та наказни ижро этиш учун қабул қилган эди. Булардан 120 таси бажарилди, 37 наказ бажарилиш арафасида, бир мунча капитал маблағлар ажратишни талаб этувчи қолган наказлар шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг шу беш йиллик планига киритилган. Район Советлари томонидан саккиз юзга яқин наказ қабул қилинган бўлиб, уларнинг кўпи ҳал этилди.

Ана шу рақамлар нимани кўрсатади? Аввало халқ ташаббускорлигини, кишиларнинг эҳтиёжларини қондиришга сарфланган меҳнатни кўрсатади. Наказлар ҳисобга олинган ҳолда уй-жой, социал-маданий ва маиший қурилишнинг кенг программаси амалга оширилди. Аҳолига савдо, маиший ва маданий хизмат кўрсатиш яхшиланди, автомобиль йўллари қурилмоқда, трамвай ва троллейбус линиялари ўтказилмоқда, турар жой массивлари ободонлаштирилмоқда ва кўкаламзорлаштирилмоқда. Шаҳарда сайловчилар наказлари бўйича учта умумий таълим мактаби, 17 магазин ва ошхона, бир қанча коммуналмаиший корхоналар қурилди. 20 мингга яқин тошкентликлар олиласи барча қулайликларга эга бўлган квартираларда уй тўйлари ўтказишди. Маҳаллий Советлар уй-жойлар, мактаблар ва болалар муассасаларини янгича усулда қуришга ўтишда қурилиш ташкилотларига ёрдам беришди.

Депутатларга берилган наказларга мувофиқ шаҳар саноат корхоналарида ҳаво бассейнини ва сув ҳавзасини зарарли чиқиндилардан муҳофаза қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Сув таъминоти айланма системаларини, янги канализация тармоқларини қуриш, чиқиндиларни қайта ишлаш ускуналарини ишга тушириш кўзда тутилган. Тошкентликларнинг меҳнат қилиш, маиший ва дам олиш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ наказлар ҳамма жойда амалга оширилди. Жумладан, Чимён дам олиш зонасида катта ишлар бажарилди, шаҳар Совети қошида йирик дам олиш зоналари қурилиши бўйича Бош бошқарма ташкил этилди.

Кўпгина қурилишларга фақатгина катта пул маблағлари сарфланибгина қолмасдан, балки сайловчиларнинг бевосита шахсий меҳнатлари ҳам қўшилди. Сайловчилар бўш вақтларида турар жойлар, йўллар, йўлкалар қурилишида, дарахтлар ўтказишда ва бошқа ишларда минглаб соат ишлаб беришди. Депутатлар кишиларни яхши, фойдали ишларга чорлай оладилар.

Ленин, Куйбишев, Собир Раҳимов районларининг халқ депутатлари Советлари ташаббускорлик билан, аниқ мақсадни кўзлаб ишлаганликлари туфайли сайловчиларнинг наказлари бажарилганлиги ҳақида бошқалардан барвақт хабар беришди. Бундай муваффақиятга эришилишига аввало сайловчиларнинг ўзлари кўмаклашган бўлсалар, Советларнинг доимий комиссиялари ва депутатлик постлари фаол ишлаганлиги, назоратнинг жумладан, депутат сўрови каби формасидан кенг фойдаланилганлиги ёрдам берди. Энг муҳими аҳоли наказларнинг амалга оширилишига қараб Советларнинг ишига баҳо беришини депутатлар ҳамда ижроия комитетларнинг ходимлари чуқур ҳис этишмоқда. «Узбекхлопкомаш» заводи силлиқловчиси Т. И. Игумнов, Тошкент заргарлик заводи заргари А. Т. Ғаниев, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчиси Ш. Ҳолмуҳамедова, трактор заводи бўёқчиси К. И. Яришкина, «Жилстрой» трести комплекс бригадаси бригадири Г. Ф. Фахмянина, «Таштекстильмаш» заводи слесари М. Қулибоев, «Подъёмник» заводи токари В. А. Бочков, «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Р. Х. Ҳамидулина ва бошқалар депутатлик бурчларини виждонан бажармоқдалар. Наказлар билан ишлашда фаоллик кўрсатган бир қанча депутатлик группалари ҳақида ҳам гапириб ўтиш мумкин эди.

Аммо пайтда наказларни бажаришда ҳамма жойда ҳам етарли даражада қатъийлик кўрсатилди деб бўлмайди. Айрим наказлар белгиланган муддатларда бажарилмади ёки уларнинг бажарилиши кейинроқ муддатларга асоссиз суриб қўйилган пайтлар бўлди.

Айрим район Советларининг ижроия комитетлари, Бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимлар ва трестлар ҳар бир наказнинг бажарилишини таъминлашда ҳамиша ҳам ижодкорлик кўрсатишгани йўқ, ижроия комитетларнинг мажлисларида, Советларда ва ишлаб чиқариш кенгашларида раҳбар шахсларнинг ҳисоботлари кам эшитиб борилди. Наказларнинг бажарилиши ҳақида сайловчиларга ҳамиша ҳам ўз вақтида хабар етказилмади, уларнинг бажарилишини назорат этишга доимий комиссиялар етарли даражада жалб этилмади, бу муҳим масалада депутатлик группалари ва постларининг иши яхши уйғунлаштирилиб борилмади. Айрим раҳбарларга тармоқлар ва конкрет корхоналарнинг иқтисодий ва социал ривожланиш планларида наказларни ҳисобга олиш зарурлигини қайта-қайта эслатиб туришга тўғри келди.

Тўғри, сайловчиларнинг наказларини амалга ошира бориб, халқ хўжалигининг муҳим масалаларини омилкорлик билан ҳал этишга депутатларни ўргатиб бориш керак. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ўз вазифасини ана шунда деб билади. Шу боисдан депутатлик фаолиятининг асосий масалалари бўйича депутатларнинг доимий ўқуви уюштирилмоқда. Сайловчиларнинг янги қабул қилинган наказлари, таклифлари ва ҳозирги сайлов компанияси даврида билдирилган танқидий мулоҳазаларини муваффақиятли бажариш республика пойтахтининг халқ хўжалиги барча тармоқларини янада ўстиришга имкон беради, тошкентликларнинг меҳнат, маиший, дам олиш шароитларини яхшилаш, моддий фаровонликларини ошириш учун шароит яратади.

А. ДЕМЧУК,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудирининг ўринбосари.

Бугун Ўзбекистон ўқитувчиларининг XI съезди очилди

Болалар давлат ғамхўрлигида

Болалар бизнинг севинчимиз, ташвиш ва қувончимиздир. Улар бизнинг келажагимиз, буюк иш — коммунизм қурилишининг давомчиларидир.

КПСС XXVI съездининг тарихий қарорлари ёш авлоди коммунистик руҳда тарбиялаш, меҳнаткаш хотин-қизларга болаларни тарбиялашда ёрдам кўрсатиш соҳасидаги масъулиятли вазифалар белгилаб берилган.

Совет халқ маорифи системасининг бошланғич босқичи мактабгача жамоат тарбия ҳисобланади. Ўзбекистонда бу нарса Советлар ҳокимияти тикланганидан кейин ривожлана бошлади. 1918 йилда Тошкентда биринчи болалар боғчаси очилди. Ҳозир республикамизда 7,5 мингга яқин болалар боғчаси ва яслиси мавжуд бўлиб, уларда 990,8 минг бола тарбияланмоқда.

Республикамизда бир неча ташкилот ва корхоналарнинг маблағларини болалар муассасаларини қуриш ва фойдаланишга топшириш учун кооперациялаш усули тажрибада кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Навоий ва Тошкентда кооперациялаш усули билан барча мактабгача тарбия муассасаларининг учдан бир қисми қурилмоқда. Уларнинг орасида 140, 280 ва 320 ўринли болалар муассасалари бор.

Болалар боғчаларини қуриш республика жамоатчилигининг иши бўлиб қолди. Мактабгача тарбия муассасаларининг қурилишида постлар ишлаб турибди, шаҳар ва область Советлари ижроия комитетларида доимий комиссиялар ташкил этилган, улар фақат қурилишнинг боришини назорат қилиб бормасдан ташкилий муаммоларни ҳал қилишга амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Кейинги йилларда мактабгача болалар муассасаларининг моддий базалари мустаҳкамланди ва санитария-техник шароитлари яхшиланди. Типовой биноларга жойлашган боғчалар ва яслилар 80 процентга етди, 25 процент мослаштирилган хоналарга жойлашган боғча-яслилар реконструкция қилинди ва шароити яхшиланди. Кўплаб мактабгача болалар муассасаларида сузиш ҳавзалари ва спорт комплекслари бунёд этилди.

«Ҳар бир болалар боғчасида сузиш ҳавзаси бўлсин» ташаббуси билан чиққан Тошкент области меҳнаткашларининг ватанпарварлик ҳаракати диққатга молик. Маҳалла, саноат корхоналарида ота-оналар билан ишлаш соҳасида ишлар амалга оширилди. Ҳашар йўли билан 150 сузиш ҳавзаси қурилди.

Ихтисослашган мактабгача тарбия муассасаларининг тармоғи кенгайди.

Республикадаги мактабгача тарбия муассасаларида 55 мингдан зиёд ходим тарбиялаш билан шуғулланмоқда. Улардан 73 процента олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Узининг шахсий ибрати ва меҳнати билан тарбияни номини соф маънода оқлаётган нўёлаб кишиларнинг номини келтириш мумкин. Улар Г. Аҳмаджонова, Х. Аҳмедова, С. Апазиди, Б. Гребова, Д. Калонова, Н. Фахруддинова ва бошқалардир.

Ҳар йили мактабгача тарбия муассасаларида ишлаётган ходимлар сафига 3 мингдан зиёд ўрта маълумотли ва 200 дан зиёд олий маълумотли ходим келиб қўшилмоқда. Ҳозир уч педагогика институти ва 17 педагогика билим юрти болалар боғчаларига кадрлар тайёрлаб бериш билан шуғулланмоқда. 1975 йилдан бошлаб педагогика билим юртларини кўп касбли тарбиячиларни тайёрлашга ўтдилар. Бундай мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш тарбиячилик соҳасини кенгайтириш, болалар боғчаларидаги барча ёшдаги группаларида ўқитиш ва тарбиялаш ишларини мутаносиблигини таъминлади.

Республикамизда педагогик кадрларни ғоявий-сиёсий ва маданий савиясини оширишнинг муайян системаси мавжуд. Уларнинг касб маҳоратларини ошириш тобора такомиллашиб бормоқда. Фақат ўнинчи беш йиллик даврида 60 мингга яқин киши қайта тайёрлаш курсларида маълумотларини ошириши. 1978 йилда мактабгача тарбия муассасалари раҳбарларининг маҳоратларини ошириш бўйича янги формага амал қилина бошлади. Бу республика курслари мактабгача тарбия муассасалари ходимлари категориясини кенгайтиришга имкон берди.

Мактабгача тарбия бошқармаси республика мактабгача тарбия методика кабинети ўйин ва ўйинчоқлар комбинати билан ҳамкорликда болаларга доимий методик ёрдам кўрсатмоқда. Семинар-практикум, педагогик-ўқишлар, илмий-амалий конференциялар ташкил қилмоқда. Мактабгача тарбия муассасаларида ходимларига ёрдам тарқатасида кейинги икки йилда 50 дан зиёд номда методик тавсиянномалар ишлаб чиқилди. 42 мактабгача тарбия муассасасининг мўъжавий, жисмоний ва меҳнат тарбияси масалаларига бағишланган илғор тажрибалари оммалаштирилди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари асосида мактабгача тарбия муассасалари, ўқув юртлари, илмий муассасалар, ижодий ташкилотлар ва республика жамоатчилигининг фаолиятини координациялаш мақсадида Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР педагогика фанлари илмий-текшириш институти ҳузурида республика координация Совети ташкил этилди. Унинг йиғилишларида болалар боғчаларида тарбиялаш ва ўқитиш ишларига боғлиқ масалалар, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар боғчаларининг тармоқларини кенгайтириш, болаларнинг ёғни дам олишини ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар тингланмоқда.

Мактабгача тарбия муассасаларида ўқувтарбия ва методик ишларни олиб борилишига комплекс раҳбарлик қилиш яхши натижаларга олиб келди.

Республикамиздаги кўпгина мактабгача тарбия муассасалари болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифасини муваффақиятли ҳал қилиб ҳақли равишда илғор тажриба мактабига айланди. Уларда болаларни эстетик, жисмоний ва меҳнатда тарбиялаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилянти. Жумладан, Тошкентдаги 3, 4, 11, 8, 309, Самарқанддаги 72, 54-, Навоийдаги 15, 14, 8, 94-, Ангрендаги 32-, Хоразм областидаги 20-, Фарғонадаги 20-болалар боғчалари болаларни жисмоний камолотга етказиш бўйича юксак натижаларга эришмоқдалар. Бу жойларда ҳар куни жисмоний машқ ўтказиш, кун давомида спорт ўйинлари билан шуғулланиш одат бўлиб қолди. Навоийдаги 9, 14-, Қирғиздаги 2, 16-, Хоразм областидаги 6, 8, 20- ва бошқа болалар боғчаларида кичкинтойларни эстетик ва меҳнатда тарбиялаш масалалари муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Кейинги йилларда болаларни мактабга тайёрлаш анча яхшиланди. Биринчи синф ўқувчиларининг 50 процентдан зиёдини болалар боғчаларининг тарбияланувчил а р и ташкил этади. Маълумки, бу боғчаларда тарбия ишлари СССР Педагогика фанлари академияси мактабгача тарбия илмий-текшириш институти томонидан ишлаб чиқилган программа асосида олиб борилади. Ўқитувчилар болалар боғчаларидан мактабга келган болаларнинг нутқлари равон, ўнгача санашни ўрганиб олганликлари, дўстлик ва ҳамжиҳатликни тушунишларини ҳурсандлик билан қайд этмоқдалар. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона областлари ва Тошкент шаҳридаги қатор мактабларда болаларни ёзишга ўргатиш синовдан ўтказилмоқда. СССР Педагогика фанлари академияси мактабгача тарбия илмий-текшириш институти билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумтаълим, ўқувчиларида таълим, ўқувчиларни тарбиялаш ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида умумтаълим мактабларида тайёрлов синфларининг тармоғи кенгаймоқда. Бу синфларда боғчаларда тарбияланмаган болалар ўқитилянти. Барча областлар ва автоном республикаларда шундай синфлар ишлаб турибди. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР педагогика фанлари илмий-текшириш институти халқ маорифи бўлимлари билан ҳамкорликда мактаблардаги тайёрлов синфлари ва болалар боғчаларидаги тайёрлов группаларининг тажрибаларини комплекс ўрганиб ишни амалга оширяпти. Тавсияномалар ва янги программа асосида ўқув планлари ва программалар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, методик тавсиялар, дарсликлар республиканинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланмоқда.

Республикамиздаги тарбия ишлари ўзбек тилида олиб борилаётган боғчаларда рус тилини ўргатиш бўйича мунтазам иш олиб борилянти. Бундай муассасаларнинг сафи тобора кенгаяпти. 1982 йилнинг бошланишида республикамизда 1262 ана шундай группа бор эди.

Бу муассасаларда ўқитиш ишларини махсус тайёрланган кадрлар олиб боришянти, болалар боғчалари зарур бўлган материаллар, адабиётлар билан таъминланган. Йигирма мактабгача тарбия муассасаси лингафон кабинетларига эга. Машғулотларнинг кўп босқичлиги, ўқув кўргазма қуроллари, ўқитишнинг техник жиҳозлари, ўқитишнинг хилма-хиллиги болаларга амалда рус тили билан ва унинг ўзига хос ҳислатлари билан таниришига имкон берлити. Улар сўзларни тўғри тузиш кўникмасига эга бўлмоқдалар. Бу борада Тошкентдаги 461-болалар боғчасининг тажрибаси диққатга молик. Бу тажриба СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкаси ва Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш этилди.

Социалистик жамият болалар боғчаларини ёшларни шакллантиришда етакчи звено деб қарайди. Бироқ болалар боғчаларининг фаолиятини оила ва жамоатчиликсиз тасаввур қилиш қийин. Боланинг мактабдаги ва ундан кейинги муваффақиятлари ана шу ташкилотларнинг ўзаро алоқасига боғлиқ. Шу боисдан ҳам мактабгача тарбия муассасаларининг раҳбарларини жамоатчилик билан алоқаси янада мустаҳкамланди ва таъсирчан бўлиб қолди.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ота-оналари учун педагогика билимлари университетида ташкил қилинаётган лекторий, ёш ота-оналар мактаби, турли семинар ва практикумлар тобора оммалашиб бормоқда. Уларни ташкил этишда жамоатчилик актив қатнашяпти.

Республикамиздаги кўпгина область ва районларда ёш оналар билан ишлашда катта ва қизиқарли ишлар амалга оширилянти. Тошкентдаги 27-, Андижондаги 34-, 46-, Фарғонадаги 2-, Наманганди 16- болалар боғчаларининг тажрибалари диққатга сазовор.

Республикамизда 1985 йилда мактабгача тарбия ёшидаги болалар 4 миллионга етади. Шу нарсани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қабул қилди. Бу қарорда мактабгача жамоатчилик асосида тарбиялашга 1 миллион 425 минг болани жалб қилиш назарда тутилган. Болаларимизнинг сиҳат-саломат, билимдон, ахлоқли бўлиб воғга етишини таъминлаш ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир мактабгача тарбия муассасаси, ҳар бир кишининг бурчидир.

Ж. ШАРИПОВА,
Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари.

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси Офсет босма фабрикаси коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига заркор меҳнат вахтасида туриб баракали меҳнат қилмоқда. Сиз юқоридаги фотолавҳада корхона программалашган набор участкасининг илғор мастери Доно Обидовани кўриб турибсиз.

Пастдаги суратда эса «Ўзбексельмаш» пахтачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг тайёр маҳсулот жўнатиш участкаси пешқадам ишчилари Р. Пардаев ва Х. Қиличевлар тасвирланган.

М. Нуриддинов фотолари.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

«Ферганаводстр о й»-трести мутахассислари-дан бир группаси Новгород областида Парфино посёлкасига жўнаб кетди. Бульдозерлар, экскаваторлар, грейдерлар ва бошқа машина-ускуналар ортилган эшелон ҳам жўнатилди. Марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришда бой тажриба тўплаган 50 нафар энг яхши механизатор ҳам Ноқоратупроқ зонанинг ана шу районига боради.

Парфинода «Узпарфиноводстрой» янги бошқармаси ташкил этилди. Фарғоналик чўқуврлар шу йилнинг ўзидаёқ 300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш ниятидадирлар.

* * *

«Самарқандмрамор» бирлашмасининг тош қирқиш цехида гранит плиталар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу ерда йилига уч минг квадрат метр қимматли қурилиш материали ишлаб чиқаришга мулжалланган станок монтаж қилинди. Йил охиригача яна битта шундай станок ўрнатиш мўлжалланмоқда. Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш беш йиллик охиригача гранит плиталар ишлаб чиқаришни йилига 50 минг квадрат метрга етказиш имконини беради.

* * *

Наманган тўқимачилари шаҳарчасидаги стадионга кираверишда янги фонтан ишга туширилди. Айни вақтда шаҳар марказида «Денгиз туби» манзарали фонтанининг зангори суви отилиб чиқди. Бундан 20 йил муқаддам область марказида биттагина фонтан бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони ўнтага етди. Шу йилнинг ўзидагина шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун уч миллион сўмдиндан зиёд маблағ ажратилди.

(ЎзТАГ).

• Харидор нега ранжиди?

ШИША ИДИШЛАР МАСАЛАСИДА ҚАЧОН ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ?

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИНИНГ ШАҲАР АХБОРОТИ РЕДАКЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ ДАВЛАТ САВДО ИНСПЕКЦИЯСИ БОШҚАРМАСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Кейинги вақтларда редакциямизга шаҳримиздаги магазинларда шиша идишларни қабул қилишда совет савдосн қонунларн бузилаётганлиги ҳақида оқшомхонларимиздан кўплаб шикоят хатлари келмоқда. Улар ўз мактубларида магазин ва шиша қабул қилиш пунктларида бўш идишлар қабул қилинмаётганлиги, арзиманан шишани топшириш учун соатлаб вақтлари беҳуда сарф бўлаётганлиги, баъзи магазинларда эса бўш идишлар прейскурантда кўрсатилган нархда қабул қилинмаётганлигини айтишиб, шиша идишларни топширишда қачон тартиб ўрнатилади, деб ёзишибди. Ушбу қўшма рейд материали газетхонларимизнинг ана шу шикоятлари асосида ёзилди.

МУҲИМ ВАЗИФА

Савдо ташкилотларининг ҳозирги муҳим вазифаларидан бири аҳолидан шиша идишларни бетўхтоз қабул қилиб олишдан ва уларни саноат корхоналарига ўз вақтида қайтаришдан иборатдир. Чунки ҳадемай иссиқ кунлар бошланади. Турли хил ичқаровсдои ва пиво-алькоголсиз ичимликлар, минерал сувлар, шарбатларга бўлган талаб янада ортади. Лекин шаҳримиздаги шиша идишлар қабул қилиб оладиган магазинларнинг баъзиларида бўш-сангиз уюлиб ётган шишаларни кўриб ҳайратланасиз.

Шаҳар савдо Бош бошқармаси шу йилнинг тўрт ойи мобайнида саноат корхоналарига пландаги 48 миллион 119 минг ўрнига 51 миллион 277 минг дона шиша топшириб, зиммадаги планни ортиғи билан бажарди. Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, савдо шаҳобчалари олаётган маҳсулотларига нисбатан кўпроқ шиша идиш топширмоқда. Лекин магазинларнинг кўпчилигидан минг-минглаб бўш шиша идишлар олиб кетилмаётир. Бунинг асосий сабабларидан бири мутасадди ташкилотларнинг белгиланган вақтда шиша идишларни магазиналардан олиб кетмаётганлигидаг и р. Натижада Тошкентдаги магазинларда ҳозир икки миллиондан ортиқ шиша идишлар йиғилиб қолди. Магазиналарга яшикларнинг ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги оқибатида баъзи магазинларда шиша идишлар фақат пешингача қабул қилинмоқда ёки мутлақо қабул қилинмаётир. Бу билан магазинларда харидорларга савдо хизмати кўрсатиш қонуни қўпол равишда бузилмоқда. Масалан, республика «Гастраном» идорасига қарашли 13-магазининг сотувчилари Н. Ҳалимов ва Т. Расуловлар ўзларича қонун чиқаришиб, шиша идишларни фақат пешингача қабул қилишган. Ана шу идорага қарашли 30, 34, 23-магазиналарда ҳам яшиклар йўқлиги сабабли шиша идишлар тахлаб қўйилибди.

Куйбишев райпишчеторгига қарашли бир қанча магазиналарда ҳам ана шундай ҳолни кўриш мумкин. 2-магазинга қарашли шиша идишлар қабул қилиш пунктида 6000 дона ёғ идиши уч ойдан бери пашшага таланиб ётибди. Ёғ-мой комбинатига бир неча маротаба ёзма равишда айтилган бўлишига қарамасдан бу шишалар ҳамон олиб кетилгани йўқ. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки баъзи шоферларнинг айби билан бўш машиналарга шиша идишлар ортилмаётир. Куйбишев райпишчеторгига қарашли 3-магазинга 91-89 ТНЖ номерли машина шофёри Раимов «Ташшиво» комбинати 1-филиалидан минерал сув олиб келиб, бўш, тайёр турган минерал сув идишларини олиб кетмаган. Вақолаки шу куни магазинда 9600 та пиво ва минерал сув учун, 2480 та ароқ-вино учун, 1800 та «Пепси-кола»га мўлжалланган шишалар бор эди. Шофёрларнинг бундай ўзбошимчалиги, магазиналарга яшикларнинг ўз вақтида келтирилмаётганлиги ва дўконларда шиша идишларнинг уюлиб қолиши савдо ходимларининг аҳолидан қабул қилиб олинадиган шиша идишларни асоссиз рад этишларига сабаб бўлмоқда.

Киров райпишчеторгига қарашли 13-магазинда (директори — А. Бўронбоев) бўлганимизда сотувчи Б. Жаҳонхўжаев харидорлардан 0,5 литр ҳажмдаги шишаларнинг олтитасини 20 тийиндан олиб, тўртта «Пепси кола» идишни қабул қилмади. Сотувчига нега олмайсиз, деб савол берганимизда «Пепси кола» нинг яшиклари йўқлигини баҳона қилди.

Ленин, Ҳамза ва Фрунзе районларига қарашли магазиналарда ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, бу озиқ-овқат савдоси бўлимларида ҳам шиша идишлар ҳаммавақт ҳам қабул қилинмаётир. Бунинг устига сотувчилар харидорлар ҳақига хиёнат қилишмоқда. Ҳамза райпишчеторгининг 29-магазин сотувчиси С. Очилбоев харидорларнинг 20 тийин, 37-магазин сотувчиси Н. Шамсиев 20 тийин, Фрунзе район озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли 9-магазининг сотувчиси У. Расулев ва ана шу райондаги 22-магазин сотувчиси Р. Ванувеларлар эса 10 тийиндан ҳақини олиб қолишган. Ленин райпишчеторгига қарашли 14-магазин сотувчиси Ш. Минаваров, ана шу райондаги 2-магазин сотувчиси К. Саидов, 49-магазин сотувчиси Р. Файзулиллар ҳам харидорлар ҳақига хиёнат қилишган. Шу йилнинг фақат тўрт ойи мобайнида шаҳар давлат Бош савдо инспекцияси томонидан ўтказилган текширишларда 44 киши ҳар хил жазога тортилди.

Нега энди баъзи савдо ходимлари «Бетимнинг қалини, жонимнинг ҳузури» қабилида иш кўриб, аҳолидан қабул қилиб олинадиган шиша идишларни асоссиз рад этиб, яна улар ҳақидан уриб қолишади? Иш режимига риоя қилмаслик ва бошқа камчиликлар район озиқ-овқат савдоси бўлимлари раҳбарларининг муттасил назорат олиб бормаётганлигидан далолат бермоқда.

ТАШАББУС КЎРСАТИШ КЕРАК

Шиша идишлар муаммосини ҳал этиш бугунги кундаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Биз газетхонлар хатини шарҳлаб беришни Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги тара бўлимининг бошлиғи Юсуф Тўрақуловдан илтимос қилдик:

— СССР савдо министрлиги томонидан жорий этилган тартиб кўра, — деди Ю. Тўрақулов, — идишларда тайёрланган маҳсулотлар билан савдо қиладиган барча савдо шаҳобчалари белгиланган прейскурантда кўрсатилган баҳо билан бутун иш куни давомида аҳолидан шиша идишларни қабул қилиб олишлари шарт.

Ҳозирги вақтда республикамизда 4300 та магазин ва 370 дан ортиқ қабул пунктлари шиша идишларни қабул қилиб олмоқда. Фақат Тошкентда 200 та қабул пунктлари ва 700 дан ортиқ магазинлар аҳолидан шиша идишлар қабул қилиб, ишлаб чиқариш корхоналарига топширмоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу борада амалга оширилаётган катта ташкилотчилик ишларига қарамай, қабул пунктларида ва озиқ-овқат магазиналарида рўй берётган камчиликлар тўғрисида аҳолидан шикоятлар тушиб турибди. Айрим магазин ва қабул пунктлари ходимлари томонидан шиша идишларни қабул қилиб олишда камчиликларга йўл қўйилмоқда, асоссиз равишда шиша идишларни аҳолидан қабул қилишдан бош тортиш, уларнинг ҳақига хиёнат қилиш ҳаби ҳоллар учраб турибди.

Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи магазинлардаги шиша идишларнинг ўз вақтида олиб кетилмаётганлигига асосан транспортчилар айбдордир. Машиналар деярли фақат маҳсулот олиб боргандагина бўш шиша идишларни олиб қайтади. Нега шундай? Ана шу савол билан биз 3-автокомбинат директори Валижон Азизович Исмонловга мурожаат этдик.

— Корхонамизда 1600 та машина бўлиб, шундан 50 таси шиша маҳсулотлари ва шиша идишларини ташиёди, — дейди В. Исмонлов. — Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда шаҳримиздаги савдо шаҳобчаларида кўплаб миқдорда шиша идишлари йиғилиб қолган. Бунинг асосий сабабларидан бири шиша идишларни келтириб туширадиган бўш майдонларнинг йўқлигидир. «Ташкентвино» комбинатини олайлик. Комбинат ҳовлиси 20 минг шиша идишга мўлжалланган. Биз ҳар куни шаҳар магазинларидан машинамизда 15 минг шиша идишлар олиб келиб, маҳсулот олиб чиқиб кетамиз, 5 мингта шишани эса вагонлардан олиб, унга ҳам маҳсулот билан қайтарамиз. Чунки комбинат конвейер усулида ишлайди. Агарда машиналаримиз 20 мингтадан ортиқ шиша идиш олиб келса, туширишга жой бўлмай қолади. Олиб келган шишаларимизни туширадиган жой бўлганда эди транспортимиз билан магазинлардаги барча шишаларни қолдирмасдан йиғиб келтирган бўлардик.

Текширишлар шуни кўрсатдики, шиша идишлар муаммосини ҳал этишда Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлиги, гўшт ва сут саноати министрлиги, Ўзбекистон мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ташаббус кўрсатишлари ва ҳар бир корхона учун шиша идишлар сақланадиган майдончалар ташкил этишлари зарур. Ана шунда магазиндан йиғилган шиша идишлар керакли корхоналарга етказиб берилади. Шаҳар савдо Бош бошқармаси эса бу ишга бош-қош бўлиши ва аҳолидан қабул қилиб олинаётган шиша идишларни қайтармасдан, прейскурантда кўрсатилгани бўйича қабул қилишга эришишлари керак!

М. ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон ССР савдо министрлиги давлат савдо инспекцияси бошқармасининг савдо бўйича Тошкент шаҳридаги давлат бош инспектори.

Т. ОБИДОВ,
Ўзбекистон радиосининг шаҳар ахборотн редакцнясн катта редактори.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» газетасининг мухбири.

Ушбу рейд ҳақидаги материални бугун соат 17 да Ўзбекистон радиосининг шаҳар радиоэшиттиришлар тармоғи орқали тинглашингиз мумкин.

Бир ҳафта тежаб қолинди

Самарқанд химия заводидаги олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган цех графикдан 7 кун илгари капитал ремонт қилиб бўлинди. Бу топшириқка қўшимча равишда бир неча минг тонна қимматли минерал ўғит — аммофос ишлаб чиқариш ва жўнатиш имконини беради.

Бундай гоят мураккаб технологик линиялар мамлакатда биринчи марта капитал ремонтдан чиқарилди. Москва областининг мутахассислари, Чирчиқ ва Олмалиқ соз. ловчилари самарқандлик ремонтчиларга ёрдамга келишилар. Слесарлар М. Абсалямов ва В. Стрякилев, электр слесарлардан И. Афиногенов бригадалари яхши меҳнат қилдилар. Токарь А. Александров, пайвандчилардан В. Одинцов, Е. Белябин, Ф. Ашуров ва кўпгина бошқалар юксак профессионал маҳоратларини намойиш қилдилар. Иш аниқ-пухта ташкил этилганлиги, бригадалар ўртасида социалистик мусобақа авж олдириб юборилганлиги вақтдан ўзиб ишлаш имконини берди.

(ЎзТАГ).

Адабиёт ва Санъат

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ VII ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

КИНОФЕСТИВАЛДАН КИНОФЕСТИВАЛГАЧА

Бу воқеа 1965 йили IV Халқаро Москва кинофестивали кунлари содир бўлганди. Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари билан бўлган учрашувлардан бирида Ўзбекистон кино санъати вакиллари бир гуруҳ совет ва чет эл кино арбобларини республикамизга таклиф этишади. Ушанда Тошкентда ҳам кинофестиваль ўтказишга қарор қилинади. Шундан уч йил кейин, Осиё ва Африка мамлакатларининг I Халқаро Тошкент кинофестивали бўлиб, у «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида ўтди. Бу кинофестивалда 49 мамлакатнинг киносанъаткорлари шунингдек Америка қитъасидан ва Европадан ҳам меҳмонлар иштирок этишди. Ҳиндистон, Япония, Сурия, Ирок, Мазоир, Эрон, Тунис мамлакатларининг кинематографчилари ва Франция кинофестивалига актив қатнашишди.

Фестиваль кунлари 105 балний ва киска метражли фильмлар намойиш этилди. Ҳиндистон ва Япония фильмлари катта шуҳрат қозонди. Ҳиндистоннинг «Амрапали», «Бомбей тун оғушида», «Яшасин муҳаббат», «Кашмирдаги севги», «Тошдаги достон», «Рам ва Шям», «Она садоқати», Японияннинг «Дзю-до ҳақида ҳикоя», «Паҳлавон Торо», «Усиз муҳаббат йўқ», «Садоқат алангаси», каби фильмлари кенг томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Бу фильмларнинг аксарияти совет ва чет эл прокатчилари томонидан сотиб олинган эди.

Япония кинематографчилари бу фестивалга ўзларининг 18 фильми билан қатнашишди. Халқаро Тошкент кинофестивалида ҳеч қандай жюри ишламайди. Ким ўзар учун фильмлар қўйилмайди. Тошкент кино фестивали ривожланган ёки эндигина миллий киносанъати тараққий этиб келаётган давлатларга тенг ҳуқуқ бериб қўйган.

Осиё ва Африка мамлакатларининг II Халқаро Тошкент кинофестивалида 62 мамлакатнинг 500 дан ортиқ вакили қатнашди. Фестивалда Халқ Республикаси вакилари илк бор расмий равишда иштирок этди. Ўзбек кинематографчиларининг фестиваль очилишида намойиш этилган «Сени кутамиз, Темур» ва «Самарқанд доим мен билан» фильмлари фестиваль қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Ушбу кинофестивалда Африка қитъасидан давлат арбоблари ҳам ташриф буюришди. Бу табиий. Чунки бу қитъада ҳанузгача Африка фильмлари тарғиб қилинмайди. Халқаро кинофестиваллар африкалик кинематографчиларнинг учрашув маскани ҳисобланади. Бу ерда улар мулоқатда бўлиб, фикр алмашиш, бир-бирларининг фильмлари билан танишиш имконига эга бўлдилар.

II Халқаро Тошкент кинофестивали билан ҳайралашга туриб танилган африкалик кино арбоби Полен Виейра «Бу байрам фақат сизларникидан эмас. Бу бирдамликка интилувчи барча ер юзи кишиларининг байрамидир».— деган эди. Ҳақиқатан ҳам бу байрам кўлами кенгайиб, уч қитъа вакилларини бирлаштиришда катта роль ўйнамоқда.

Осиё ва Африка киносанъатқорларининг 1974 йили ўтказилган учинчи фестивалига ер шарининг 70 дан ортиқ мамлакати, шунингдек, БМТ, ЮНЕСКО, ФИПРЕСИ (халқаро продюссерлар ва сценаристлар иттифоқи) ва Фаластин озодлик ташкилоти фаол иштирок этди. Меҳмон сифатида Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларининг киносанъатқорлари ҳам иштирок этди. 170 дан ортиқ фильмлар намойиш этилди.

Фестиваль кунлари Раж Капурнинг «Бобби», япониялик Сацуо Яҳаматонинг «Одам ва уруш» киноэпопеяси, нигериялик Умар Ганданинг «Кабаскабо», бангладешлик Отаур Раҳмонинг «Ҳаётга қайтиш» фильмлари кўпчилик диққат-эътиборида бўлди. Бу фестивалда жаҳон киноарбобларини совринлар билан рағбатлантириб турғи одат тусига кириб қолди. Илк бор бу совринлар чилиялик режиссёр Себастьян Аларкан, туркиялик таниклы актриса Фатма Гирик, ҳиндистонлик Капурлар оиласи ва нигериялик Залико Сулейларга тақдим этилди.

Навбатдаги тўртинчи фестивалда 100 дан ортиқ мамлакат ва жамоат ташкилотлари иштирок этди. Тошкент кинофестивали тарихида бу анжуман катта бурилиш ясади. Осиё ва Африка қитъасига расмий равишда Лотин Америкаси мамлакатлари қўшилди. Шундай қилиб, тўртинчи фестивалдан бошлаб Тошкент форуми уч қитъа кинематографчиларини и н г байрами ҳисобланади. Аввалги фестивалларда меҳмон сифатида қатнашиб келаётган Куба, Колумбия, Панама, Боливия, Чили, Бразилия, Венесуэла ва бошқа давлатлар фестивалнинг расмий программасидан фахрий ўрин олдилар. Фестиваль кунлари ватанпарвар Чили киносининг арбоби Мигель Литтиннинг «Бу Марусия қонида рўй берган эди» фильмининг намойиш этилиши катта воқеа бўлди. «Бу фильм,—деганди фильм режиссёри М. Литтин, — ҳозирги кун Чили трагедиясини акс эттиради».

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IV Халқаро Тошкент кинофестивалидан бошлаб, фестиваль кунлари «Кинофестиваль йўлдоши» журнали мунтазам чиқазила бошланди. Бу журнал совет ва чет эл киносанъати ва киноарбоблари фаолиятини кенг ёритиб, кинованқуман қатнашчилари ва меҳмонларини ўзаро ижодий яқинлаштиришда катта хизмат қилаётир.

1978 йили ўтказилган V Халқаро Тошкент кинофестивалига илк бор тўртинчи қитъа вакиллари — Австралия ва Янги Зеландия кинематографчилари ҳам қатнашиди. Африканинг мустақилликка эришган давлатлар Ангола, Гвинея—Бисау, Гайана киносанъатқорлари ҳам илк бор Тошкентга ташриф буюришди. Марокашлик Аҳмад Манунинг оддий деҳқон тақдирига бағишланган «Қўнлар», сенегаллик Сембен Усмонинг «Селде», жазирлик Али Мазифнинг аёлларнинг аянчли қисматини акс эттирувчи «Лайли ва бошқалар», боливиялик Антонио Эгинонинг «Чукиаго», японияликЕдзу Ямадачинг «Сариқ рўмолча бахти» каби қатор картиналари томошабинларнинг севимли фильмларидан бири бўлиб қолди. Бу ўринда туркиялик кинорежиссёр Атиф Йилмазнинг «Қизил дуррача» фильмини эслаб ўтиш лозим. Бу фильм таниқли совет адиби Чингиз Айтматовнинг «Сарвқомат дилбарим» қиссаси асосида яратилган эди. Фильмда бош роль ижрочилари Тюркон Шорай ва Кодир Иноиирларнинг профессионал маҳорати томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Бу фильмга Ўзбекистон театр жамияти соврини ва махсус дипломи тақдим этилган.

Бундан икки йил муқаддам пойтахтимизда навбатдаги VI Халқаро Тошкент кинофестивали бўлиб ўтганини кўпчилик яхши эслайди. Бу фестивалда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан 97 давлатнинг 500 дан ортиқ вакиллари иштирок этишди. Фестиваль экранларида 200 дан ортиқ бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Мозамбиклик Руем Гузманинг «Муза», мавританиялик Мед Хонюнинг «Весть-Индия», чилилик Мигель Литтиннинг «Бева Монтель», вьетнамлик Ха Тхе Фонгнинг «Ота ва ўғил» фильмлари кўпчилик диққатини тортди.

Ўтган барча фестиваль кунларида «Кино—социал тараққиёт, халқлар озодлиги ва тинчлик учун» қурашда» шиори остида баҳс ўтказилган. Баҳс қатнашчилари ўз мамлакатларида киносанъатининг аҳволи, ютуқ ва камчиликлари ҳақида, учраб турадиган баъзи тўсиқлар ҳақида фикр юритадилар. Бу баҳсларда кинонинг озодлик ва тинчлик учун олиб бораётган курашдаги аҳамияти атрофлича таҳлил қилинади.

Халқаро Тошкент кинофестивалларида шу билан бир қаторда «Совинтерфест», «Совинфильм» ва «Совэкспортфильм» киномуассасалари ҳам иштирок этади. Фестивалимизни кенгроқ ёритиш учун кўплаб малакали чет эл журналистлари ҳам шаҳримизга келади. Парижда, Гаванада, Деҳли ва Бомбейда, Ханойда, Луандада ва бошқа шаҳар ва давлатларда батафсил Тошкент фестивали фаолияти ёритилиб борилади.

Ишончимиз комилки, яқинлашиб келаётган навбатдаги Халқаро Тошкент кинофестивали ўзининг бой таассуротлари, унутилмас учрашувлари, юксак инсоний ғояларини мужассамлаштирган фильмлари билан фестиваль ихлосмандларини хушнуд этади.

Э. ИСМАТУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон кино санъати музейининг илмий ходими.

Пойтахтимиздаги хореография билим юртида ўзбек рақс санъатининг бўлажак юлдузлари, рақосалар таҳсил кўраётган ёш рақосалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ОМАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

ҚАРДОШЛИК ТАРОНАЛАРИ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Лазги» вокал хореография ансамбли Афғонистон бўйлаб ижодий командировкадан қайтиб келди. Артистлар Кобул меҳнаткашлари ҳузурида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган программани намойиш этдилар. Программада мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги ҳақидаги қўшиқлар, қардош республикаларнинг миллий куйлари, халқ асарлари янгради.

(ЎзТАГ).

Дўстлик элчилари

Афғон ёзувчиси Асадулло Ҳабибнинг тўпламига «Ойдин» қиссаси билан ўн битта ҳикоя кириитилди. Энди ўзбек китобхонлари ҳам бу ёзувчининг асарлари билан ўз она тилида таниша оладилар. Қиссанинг номи тўпламга сарлавҳа қилиб олинди. Унинг қаҳрамони оддий қишлоқ қизи Ойдин тимсолида ёзувчи ўз халқининг янги турмушга интилишини гавдалантириб берган.

Апрель революциясидан аввалги йилларда ёзилган ва халқни курашга даъват қилган ҳикоялар билан бир қаторда тўпламга «Уч хизматкор», «Деҳқонлар», «Қора от», «Мусибатнинг тугаши» деган ва дарҳол кенг кўпчиликка манзур бўлган янги ҳикоялар ҳам киритилган. Тошкент Давлат университетини битириб чиққан Алимулло Ҳабибуллаев асарларни дориий тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Асадулло Ҳабибнинг тўплами — Ғафур Ғулом номидаги Тошкент адабиёт ва санъат нашриёти чиқарган АДР ёзувчиларининг иккинчи китобидир. Яқиндагина республика китобхонлари АДР гимнининг муаллифи, ҳозирги Афғонистоннинг энг севимли шоирларидан бири Сулаймон Лойиқнинг «Тонг қушиғи» шеърлар тўпламини олган эдилар.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасига тақдим этилган афғон муаллифларининг асарларини китобхонлар севиб ўқимоқдалар. Китоб ҳазинасига яқинда топширилган юздан ортиқ китоблар орасида Олим Муҳаммад Ёқуб Воҳиднинг Алишер Навоий ижодига бағишланган тадқиқоти бор. Бу асар совет навоийшунос олимлари учун диққатга сазовордир.

Тошкент кутубхонасининг пештахтасида ранг-баранг бўёқлар билан безатилган «Афғонистон альманахи» пайдо бўлди. Унда дўст мамлакатнинг тарихи, экономикаси, маданиятига оид маълумотлар бор.

(ЎзТАГ).

М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тошкентлик рассом Маҳмуд Аҳмедовнинг асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмага рассомнинг живопись ва графикага оид асарлари қўйилган. Унинг асарларида ранг ва мусиқийликнинг уйғунлиги алоҳида бўртиб кўринади. Республика ва Бутииттифоқ кўргазмаларида ҳам санъат ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлган М. Аҳмедов асарларини консерватория студентлари катта қизиқиш билан томоша қилишмоқда.

СУРАТДА: кўргазма ташкил этилган консерватория залида.

В. Федоров фотоси. (ЎзТАГ).

ШУҲРАТ

ОДАМЛИК ШАРАФИ

Одамнинг қалбидир энг буюк олам,
Одамнинг қалбидек йўқ юксак чўққи.
Унингдек теранмас ҳатто денгиз ҳам,
У доно китобдир — дардингни ўқи!

Мард бўлсанг шу олам ичра кир мағрур,
Мард бўлсанг шу чўққи узра чиқ дадил.
Шу теран бўстонга доим сочиб нур,
Шу доно китобни кунда такрор қил!

Одамнинг кўнглидек позик нарса йўқ,
Одамнинг бардоши метиндан метин.
Одамнинг кўнглига кимки отса ўқ,
Ўзини шармисор қилади бутун!

Мард бўлсанг шу позик кўнглин доим ол,
Мард бўлсанг шу метин бардошни сақла!
Қалбига доимо эзгу ният сол,
Одамсан, одамлик шарафин оқла!

РАНГ

Қай рангга киради йигит юраги,
Муҳаббат ёлқини сўнган онида?
Дармондан кетмасми кучли билаги,
Зардобранг бўлмасми тўнган қонида?
Қай рангга киради қизнинг юраги,
Эсганда бешафқат ҳижрон еллари?
Тор келиб ҳаётнинг улкан йўлаги,
Қора ранг бўлмасми шум хаёллари?
Ким жавоб беради, қани айтинг ким?
Атрофга қарайман, атроф сокин, жим:
Гўёки йигитнинг бўм-бўш, юраги,
Ё қизнинг ҳижронда қолмиш юраги!

ҚОЯТОШ ВА БУРГУТ

Қиргоқда туради қоятош мағрур,
Қасд билан уради ўзини тўлқин.
Сочилиб кетади олам-олам нур,
Ортига қайтади бир ҳовуч ёлқин.

Қиргоқда туради мағрур қоятош,
Сиртига юқтирмай зарра бўлсин нам.
«Тўлқинлар поёнмга урганидан бош,
Дейди у, шунчалик метинман, маҳкам!».

Қиргоқда туради мағрур қоятош,
Тепада учади сор бургут мағрур.
Иккисин хислати қандайдир уйқаш,
Уйқашлик қалбларга бахш этар ғурур!

Иккиси ғалаён, тўфонда ниши,
Иккиси довулга тик турди, дадил.
Ирода бардоши энди олқишдир,
Муродга етадир продали дил!!

ЙИГИТЛАР

(Қўшиқ)

Йигитлар, оҳ, ўктам йигитлар,
Бу ҳаётнинг кўрки, тираги.
Йигитлар, оҳ, там-там йигитлар,
Кўнгилларнинг севган кераги!

Йигитлар, оҳ, лочин йигитлар,
Бунча гўзал, бунча зийраксиз.

Сиз юрсангиз йўлда тонг отар,
Шерқомату, арслон юраксиз!

Йигитлар, оҳ, олов йигитлар,
Яқинлашманг, ёнасиз қизлар!
Севиб қолса, ўзи гап қотар,
Муҳаббатдан ўт сочиб кўзлар!

Йигитлар, оҳ, полвон йигитлар,
Орзулари алвон йигитлар.
Сизлар билан иқбол кулажак,
Сизлар билан ёруг келажак!!

СОЛДАТ АҲЛИ...

Солдат аҳли йиғлар жуда кам,
Тошдан эмас лекин юраги.
Юрагида жо бутун олам,
Шу оламни сақлар юраги!

Солдат аҳли йиғлаб жуда кам,
Севган ёри кетиб қолса ҳам,
Содиқ дўсти курбон бўлса ҳам
Солдат аҳли йиғлар жуда кам!

Айтинг-айтинг, йиғламасин у
Йиғламасин айюханнос солиб,
Йиғладими, дунёни, ёху,
Ўт олибди гафлатда қолиб!

Бу дунёнинг кафилни олиб,
Ташвишини қалбига солиб,
Солдат аҳли мағрур суради,
Тошдан эмас лекин юраги!!

ИЖОД МАҲСУЛИ

(ҲАВАСКОРЛАР ШЕЪРЛАРИ ҲАҚИДА)

Таниқли совет шоири Қайсин Қулиев ўзининг бир шеърида оламдаги бетакрор гўзалликлар, сирли манзараларнинг инсонни ҳайратга, ҳаяжонга солишини, ажиб туйғулар уйғотишини жуда гўзал тасвирлаб

Замин мўъжизалар берар у бизга,
Эвазига фақат ҳайрат сўрайди.

деб ёзганди.

Дарҳақиқат табиатдаги, одамлар қалбидаги гўзалликларнинг ўзи бир мўъжиза. У ҳар қандай одамда ҳам эзгу ҳис-туйғулар уйғотиши табиий. Шоирлар учун эса гўзалликдан завқланиш, ҳайратланиш ҳақиқий илҳом манбаидир. Негаки, ҳисларимизга таъсир этиб, бизни эзгулик ва улуғликка ундовчи, ҳақиқат учун курашга чорловчи шеърият ана шундай илҳомланиш, мўъжизалардан ҳайратланиш орқали вужудга келади. Аммо чуқурроқ ўйлаб қаралса, кўпчиликка манзур бўладиган шеър битмоқ учун фақат ана шу ҳайрат ва ҳаяжоннинг ўзи етарли эмас. Агар шоирлик истеъдоди, билим ва малака бўлмаса ҳайрат ҳайратлигича, манзара манзаралигича қолаверади. Минглаб сўзларни қаторлаштирган билан шеър вужудга келмайди. Бизни редакциямизга келаётган ҳаваскорларнинг шеър машқлари ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Гул меҳрин уйғотади одамда,
Гул бор экан ҳаёт ҳам бор оламда.
Гул бор учун шодлик кезиб юради,
Гул бор учун дунё абад туради.

Тошкентлик Илёс Исмоиловнинг «Гул» сарлавҳали шеъридан олинган бу мисраларни ўқиб уни оддий гулни кўриб завқланган кишининг шунчаки фикрлари шаҳри деб тушунасиз. Хўш, шу оддий ахборотнома гапни айтиш учун уни мисраларга тизиш шартмикан? Чилонзорлик Ф. Тўлаганова, Тошкент чет тиллар педагогика институти студенти Г. Қозибоева, Акмал Иқромов районида истиқомат қилувчи Ф. Ғаниева шунингдек Г. Хожиева ва бошқаларнинг баҳор ва гуллар, табиат гўзаллиги ҳақидаги машқларида ҳам фақат мисраларга тизилган жўн фикрлар баёнини кўрамиз.

Тўғри, айрим қаламкашлар фикр ва туйғуларини қуйма ҳолда ифодалашга, уларни образларга сингдириб тасвирлашга ҳаракат қилишади. Севги изтироблари, ҳижрон қийноқларини поэтик ифодалашга уринадилар. Лекин бундай машқларда янги фикр, мушоҳадалар етишмайди. Оддий фикрларни узунлан узоқ «шоирона сўзлашга» маҳлиё бўлиб кетадилар. Андижонлик А. Қамбаров, тошкентлик Р. Саидиева, М. Абдужабборов ва бошқаларнинг шеърларида шу сингари камчиликлар кўзга ташланади. Шу билан бирга бу авторларнинг машқларида бошқалар томонидан тилга олинган, кўп бор айтилган фикрлар қайта-қайта учрайди. Оригиналлиқдан ҳоли бўлган, бошқаларнинг ҳиссиётларига заррача ҳам таъсир этмайдиган бундай тизмалар андижонлик Х. Шукуров, тошкентлик Ш. Мирюсуповаларнинг машқларида ҳам мавжуд.

Андижон областининг Марҳамат районида ўқитувчилик қилаётган Кўчқор Тешабоевнинг «Кутар» деб номланган шеърида Улуғ Ватан урушида дараксиз кетган умр йўлдошларини ҳамон кутаётган бева аёлларнинг кечинмалари таъсирли ифода этилган. Унинг бошқа шеърларида ҳам оналаримиз садоқати, меҳр-вафоси, буюклиги ўзига хос йўсинда улуғланади. Лекин Қ. Тешабоевнинг яхши топилган фикрлари образларга сингдирилмайди, шеърда тасвир ўрнига баён кўпайиб кетган. Бунинг натижасида унинг шеърларидаги шоирона ифодалар жўнлашиб қолганлигини кўрамиз. Бундай фикрларни ТошПИ студенти А. Йўлдошев, қашқадарёлик Ф. Тиловатовларнинг машқларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Наманганлик В. Абдуллаевнинг «Солдатлар» деб номланган шеърида Ватанимиз ҳимоясига ўстда турган аскарларнинг серюраклиги, жасоратга шай туриши тилга олинган. Аммо шеър қуруқ мақтов, мадҳиядан иборат бўлиб қолган. Ватан ҳимоясидаги аскарлар қалби, ўларнинг кечинмалари табиий гавдаланмайди. Бу хилдаги қусурлар Тошкентдаги 129-қунар-техника билим юрти студенти Б. Зоҳидов, М. Илёсов, И. Каримов ва бошқаларнинг шеърларида ҳам учрайди.

Биз редакциямизга ўз машқларини юборгаётган ёш қаламкашларга инсоният тафаккури яратган ноёб кашфиётлардан бири бўлмиш шеъриятнинг асл моҳиятини тўғри тушунишлари, унинг шунчаки фикрлар тизмасигина бўлиб қолмай, ўзига хос туйғулар олами эканини ҳам ҳис этишлари, ўз юкодига катта масъулият билан қараб иш тутишларини маслаҳат берамиз. Табиат мўъжизаларидан, гўзалликларидан ҳайратланиб, илҳомланиб қўлига қалам тутган ҳар бир қаламкаш шеър қалб маҳсули эканлигини, фақат истеъдод билан яратилиши мумкинлигини ҳисобга олиши зарур.

М. АБДУЛЛАЕВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. РУСТАМОВ: Ўғлимиз балоғат ёшига етмаган. Лекин у ҳозир заводда ишлаяпти. Айтингчи, балоғатга етмаган ёшлар учун ҳафталик иш соатлари қанча бўлиши керак?

Жавоб: 15—16 ёшдаги йигит ва қизлар учун иш вақтининг узуксизлиги, бир ҳафтада 24 соатдан ошмаслиги керак. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар учун эса бу рақам ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги лозим. Агар ўсмирлар ҳафтада беш кун ишласалар, уларнинг сменаси юқорида ёшлари кўрсатиб ўтилган йигит ва қизлар учун белгиланган соатлардан келиб чиқиб, беш ёки етти соатдан ошмаслиги даркор.

* * *

М. ҒУЛОМОВА: Эшитишимга қараганда касаба союз ишларида активлик кўрсатган кишиларни рағбатлантириш мақсадида ВЦСПСнинг махсус нишони таъсис этилган экан. Шу нишон ҳақида маълумот бераолмайсизми?

Жавоб: ВЦСПСнинг «Касаба союз группасидаги актив иши учун» кўкрак нишони касаба союз группаси ва касаба союз группаларининг активистларини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган. ВЦСПСнинг ушбу кўкрак нишони билан касаба союз группаларида коллективларни ишлаб чиқариш планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этиш, меҳнаткашларни меҳнатга ва иктимоий мулкка коммунистик руҳда тарбиялаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя этиш руҳида тарбиялаш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва маиший турмуш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ конкрет масалаларни ҳал этиш бўйича касаба союз группаларидаги жамоат ишларида фаоллик кўрсатган касаба союз группаларининг раислари ва активистлари тақдирланадилар.

ВЦСПСнинг «Касаба союз группасидаги актив иши учун» кўкрак нишони билан тақдирланишга ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентлари тақдим этиладилар. Мукофотга тақдим этилган бундай кишилар касаба союз группаси раислигига ёки касаба союз группаси активистлигига уч ва ундан кўпроқ йиллар мобайнида сайланган бўлишлари керак.

* * *

Н. ИСМАТОВА: Эмизикли боласи бўлган аёллар иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги отпускага чиққанда корхона маъмурияти унинг ўрнига бошқа ишчини ишга олишга ҳақлими?

Жавоб: Иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги отпускада узоқ вақт мобайнида бўлган аёллар меҳнат қиладиган корхоналар, муассасаларда бундай аёллар ўрнига бошқа кишиларни вақтинча ишга олиш масаласи зарурияти келиб чиқиши мумкин. Амалдаги меҳнат қонунчилиги қоидаларига кўра ана шундай ҳолларда маълум бир муддатга (уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга) ёҳуд у ёки бу конкрет ишни бажаришга кетадиган вақтга тезлик билан меҳнат шартномаси тузиш мумкин. Бордию вақтинча ишга бўлмаган аёллар ўрнига бошқа одамни ишга олиш зарурати туғиладиган бўлса, ишга олинадиган одам билан тузиладиган меҳнат шартномасида ўша аёл қўшимча отпускада бўлган пайти учунгина у ходим ишга қабул қилинганлиги кўрсатилади.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ, КАШФИЁТЛАРИ

ЛАЗЕР НУРИ ЁРДАМ БЕРМОҚДА

Толдиқўрғон районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози Қозоғистонда энг йирик парҳез гўшт етиштирувчи хўжалик бўлиб қолди. Ҳар йили бу ердан саккиз термогига камида уч минг тонна ўрдак гўшти жўнатилмоқда.

Парандачиларга лазер биостимуляторларидан фойдаланишни таклиф этган Қозоғистон Давлат университетининг олимлари уларнинг бундай муваффақиятга эришишларига кўмаклашдилар. Тухумларни бироз вақт муайян частотадаги гелийнеон нури билан нурлантириш инкубация даврини икки соат қисқартиради, жўжа очишини тўрт процент кўпайтиради. Энг муҳими — соғлом жўжалар олиш имконини беради. Натижада хўжалик қимматга тушадиган парандачилик фабрикалари қуришдан воз кечди. Ўрдаклар қаврини ҳам шу йўсинда ошмайди, сув ҳавзалари ва магистрал каналларда очиқ ҳавода ўсадилар.

Янгилик жуда нафли бўлиб чиқди. Қурилма таннархи беш минг сўмдан ҳўжаликнинг даромади эса бир неча баравар кўпайди.

Деҳқонлар ҳам университетда яратилган қурилмаларга юқори баҳо бердилар. Республикадаги ўнлаб колхоз ва совхозлар мана бир неча йилдирки, дон экинлари уруғини тупроққа сепишдан олдин унга лазер нури билан ишлов бермоқдалар. Шундай қилинганда, уруғ одатдагига қараганда анча яхши униб чиқиб, илдиз системаси мустаҳкам ривожланади, бошоқлар бўлиқ бўлади, натижада ҳосилдорлик 15—20 процент ортди.

Олмаота олимлари ва деҳқонлари қишлоқ хўжалигида лазер нуридан фойдаланиш кетта истиқболга эга эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

А. АКИМОВ, ТАСС мухбири.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/Ўда Келинлар қўзғолони, 19/V да Кузнинг биринчи куни.

КИНО

17 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АСРИМИЗ ЎҒИРЛИГИ» — **Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ТЕРГОВДА АНИҚЛАНИШИЧА» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07). **Искра** (16, 18, 20.00 телефон 39-11-76). **Кўнча** (тоқ соатларда, телефон 46-23-16). **С. Раҳимов номли** (18, 20,00, телефон 48-46-71).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Лисунов номли** (17, 20.00, телефон 96-34-02).

«ҚУТУРГАН ПУЛЛАР» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«МАНА ШУНДАЙ МУЗИКА» — **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52). **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

ЕЗГИ БИНОДА

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Хива** (22.00, телефон 32-78-02).

18 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ:

«КОМСОМОЛ» — **Қозоғистон.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АСРИМИЗ ЎҒИРЛИГИ» — **Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ТЕРГОВДА АНИҚЛАНИШИЧА» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07). **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-11-76). **Кўнча** (тоқ соатларда, телефон 46-23-16). **С. Раҳимов номли** (18, 20.00, телефон 48-46-71).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 96-34-02).

«ҚУТУРГАН ПУЛЛАР» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«МАНА ШУНДАЙ МУЗИКА» — **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52). **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

ЕЗГИ БИНОДА

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Хива** (22.00, телефон 32-78-02).

«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИНИНГ

3-УНИВЕРМАГИДА

18 — 20 МАЙ КУНЛАРИ

ШОЙИ ВА ШТАПЕЛЬ ГАЗЛАМАЛАРИНИНГ

САВДО-ҚЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Шойи газламалар айниқса ёзги кийимлар учун мос. Улардан биз кўйлак, сарафан, блузка, оқшом тапталари учун либослар, пляж костюмларини тикамиз.

Савдо-кўргазмасидан Сиз қуйидагиларни харид қилишингиз мумкин:

Маргилон, Наманган, Черкасск, Могилевск, Тбилиси, Ереван пиллакашлик комбинатларида ишлаб чиқарилган ацетат шойи юшмоқ, майин, ёқимли товланади, фактураси ва тўқилишининг ранг-баранглиги билан фарқ қилади. Савдо-кўргазмасига қўйилган газламалар қаторида кўпчиликка маъқул бўлиб қолган гулдор ва сидирга «Маргилон», «Лесия», «Лазурная» газламалари, шунингдек астарбоп селон бўлади. Баҳоси 4 сўмдан 5 сўм 20 тийингача.

Агарда Сиз табиий шойи ёки штапель газламани хуш кўрсангиз савдо-кўргазмасида уларнинг ҳам ранг-баранги бўлади:

Баҳоси 8 сўм 90 тийиндан, 14 сўм 50 тийингача бўлган крепдешин, крепжожет, хонатлас;

Баҳоси 1 сўм 56 тийиндан, 2 сўм 40 тийингача бўлган гулдор, катак-катак, йўл-йўл штапель газламалар (Иваново ва Могилев комбинатларининг маҳсулотлари) шулар жумласидандир.

3-УНИВЕРМАГ Ш. Руставели кўчасидаги 110-уйда жойлашган.

Иш вақти — соат 10 дан 19.00 гача. Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — якшанба.

МАГАЗИНГА 7, 14, 24, 28-трамвайларда, 18, 79-автобусларда, 13-троллейбусда бориш мумкин. «Нефть ва газ институти» бекати).

САВДО-ҚЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОШКЕНТ САВДО ФИРМАСИ.

Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«КЕНЖА АЛЕКСАНДР»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРДИ

Сценарий муаллифлари — И. КРЕТЧМАР, В. ЕЖОВ, В. ФОКИН.

Режиссёр — В. ФОКИН.

Ролларда: Б. ТОКАРЕВ, Ю. НАЗАРОВ, Н. КОКШЕНОВ, О. ШНАЙДЕР ва бошқалар қатнашади.

Бу фильм темаси — урушнинг машаққатли шароитларида ҳалоскор солдат, совет жангчисининг юқори миссияси ҳақида.

Бу психологик драма асосида бўлиб ўтган воқеалар ётади. Фильмда сўнгги урушнинг даҳшатли фожиасида ҳалок бўлган бола ҳақида, 1945 йилнинг май ойида озод қилинган Германия территориясида биринчи болалар уйини ташкил этишда совет жангчиларининг берган ёрдами ҳақида ҳикоя қилинади.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ (СССР ва «ДЕФА» (ГДР). КИНОСТУДИЯЛАРИ МАҲСУЛОТИ.

«ЎЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ

ЎҚУВ ПУНКТИ

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар вентиляция системаларини монтаж қилиш ва ҳавони кондициялаш, қурилмаларни ўрнатиш бўйича слесарь-вентиляциячилар, вентиляция системалари деталларини тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляциячиларни тайёрлайди.

Курсларга 17 дан 40 ёшгача бўлган 8 — 10 синф маълумотидаги кишилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқишга қабул қилиниганлар ойнга 76 сўм ҳажмида стипендия оладилар.

Ёлғизларга ҳамма қулайликларга эга бўлган ётоқхона берилади.

Курсларни битирганлар «ПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ташкилотларига ишга юборилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, яшаш жойидан справка, соғлиги ҳақида справка, 3 та фотосурат (3 х 4 см.).

Машғулотлар группаларининг тўлишига қараб бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700047, Тошкент шаҳар, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, кадрлар бўлими.

ХОЛОДИЛЬНИК БЎЛСА — ТАШВИШИНГИЗ ОЗ БЎЛАДИ

«ПАМИР—5» ХОЛОДИЛЬНИГИ КИЧИК ОИЛАЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН.

БЎЛИБ, КИЧИК ГАБАРИТЛИ КВАРТИРАДА ҲАМ КЎП ЖОЙ ЭГАЛЛАМАЙДИ

Холодильник пастгина шкаф шаклида ишланган. Кенг музлатиш камераси (240 дм³), паст ҳарорати бўлмаси (-12°) озиқ-овқатларнинг 4 ҳафта бузилмай сақланишини таъминлайди. Паст ҳароратли камераниг тагида поддон бор. Поддон очиб-ёпиладиган тўсиқ билан таъминланган, бу музлатиш хонасидаги ҳароратни ўзгартириб туриш имконини беради. Муз эриши натижасида ҳосил бўлган сув паст ҳароратни бўлмадан трубовод орқали холодильникнинг пастки қисмида жойлашган сув тўпламига оқиб тушади. Ички шкафнинг янги, яхшиланган конструкцияси ва қўшимча ботиқ чизиқлар жовонларнинг баландлигини эҳтиёжга кўра кўтариш ёки тушириш имконини беради. Холодильникнинг эшиги магнит зичлагич ёрдамида герметик равишда ёпилади.

Қисқача техникавий характеристика:

музлатиш камерасининг умумий ҳажми — 240 дм³;
паст ҳарорат бўлмаси — 12°;
баландлиги — 1450мм;
эни — 570 мм;
бир суткада электр энергия сарфи (ҳарорат цельский бўйича 32° бўлганда) — 1,6 квт/соат.

Баҳоси — 345 сўм.

«ПАМИР—5» Душанба холодильниклар заводининг маҳсулоти.

Завод холодильникнинг магазинда сотилган кунидан бошлаб 3 йил давомида нуқсонсиз ишлашига кафолат беради.

«СНЕЖИНКА» ХОЛОДИЛЬНИГИ

— Самарқанд холодильниклар заводининг янги маҳсулоти!

«СНЕЖИНКА»НИНГ ҚУЙИДАГИ АФЗАЛЛИКЛАРИ БОР:

холодильник ошхонада кўп жойни эгалламайди. Ярим автомат муз эритиш системасига, юқори сифатли изоляция ва кучли агрегатга эга. Паст ҳароратли бўлма эшикчасининг янги элементлари холодильникни тозалаш вақтида трубкалари шикастланишининг олдини олади.

ҚИСҚАЧА ТЕХНИКАВИЙ ХАРАКТЕРИСТИКА:

музлатиш камерасининг умумий ҳажми — 240 дм³;
баландлиги — 1435 мм;
эни — 570 мм;
чуқурлиги — 600 мм;
вазни — 67 кг;
бир суткада электр энергия сарфи — 1,7 квт/соат.

Баҳоси — 345 сўм.

Кафолат муддати 3 йил.



САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗХОЗТОРГ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ БАЗАСИДА «ПАМИР—5» ВА «СНЕЖИНКА» ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИ ЕТАРЛИ МИҚДОРДА БОР.

«УЗХОЗТОРГ» республика улгуржи базаси.

АВТОТУРИСТ ОРЗУСИ — «СКИФ-М1»

Ёз бошланиши билан минглаб автомобиль ҳаваскорлари онла аъзолари ёки дўстлари билан саёҳатга жўнайдилар.

Ҳозирги замон «автокўчманчиларига» «СКИФ—М1» автоприцепини тавсия этамиз.

«СКИФ» — бу меҳмонхонага жойлашиш ташвишларидан халос бўлиш деган гап.

«СКИФ» — бу, ўзингизга маълум бўлган ерда тўхташ, табиат билан танҳо қолиш деган гап.

«СКИФ»нинг асосий имтиёзлари — унинг енгиллиги ва шинамлигидир.

«СКИФ—М1»нинг енгиллиги шундаки, уни ҳар қандай енгил автомобилга осонгина тиркаш мумкин, бир неча минут ичида тикланади ва худди шундай тез компакт прицеп ҳолига келтирса бўлади.

«СКИФ—М1»нинг шинамлиги шундаки, уни осонгина ётоқхона бўлими, ўриндиқлари, диван-каравоти бўлган палатали уйга айлантириш мумкин. Узоқ тўхталадиган ерда айвончасини ўрнатиб, прицепнинг турар жой майдонини икки баравар кўпайтирса бўлади. Бундай уйда 5 киши қулай жойлашади.

Баҳоси — 1.095 сўм.

«СКИФ—М1» автоприцепини харид қилишга доир барча саволлар билан Фарҳод бозорида жойлашган 14-«Автотурист» фирма магазинига мурожаат қилинг.

«УЗСПОРТТОРГ» республика ихтисослашган савдо бирлашмаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 1982—83 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

учиш аппаратларини йиғувчи-слесарь, асбобсоз-слесарь, механик йиғувчи-слесарь, слесарь-электр монтажчи, токарь, фрезерчи (сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), дурадгор, слесарь-сантехник, газ пайвандчи.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЯШОВЧИ 8 — 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синф маълумотидаги ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга эгаллаган касбига мувофиқ равишда диплом берилади.

Ўқувчиларга ўқиш даврида 65 сўм ҳажмида стипендия берилади.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини битиргач уларга ўрта маълумот ва эгаллаган касбига мувофиқ диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг маълум қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлаганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттиришни хоҳловчилар учун бирлашма ҳузурида политехника институти самолётсозлик факультети ва авиация техникумининг кечки бўлимлари мавжуд.

Билим юрти спорт базасига эга; авиамоделизм, фото-киностудияси, бадиий сўз тўгараклари; вокаль-чолғу ансамбли, миллий чолғу асбоблари ансамбли ишлаб турибди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бунёд этилган.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: директор номига ариза, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг ишлаётган ёридан справкалар, 8 та фотосурат (3х4 см. ва 4х5 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза район, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 48-автобусларнинг «Валиханов кўчаси» бекати). Телефон 96-58-20.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ БАЗАСИДАГИ

170-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕТРОПОЛИТЕН УЧУН: электр поездларининг электр асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи электр слесарь, подстанция навбатчиси, экскаватор машинисти, кучланиш подстанцияларининг электр монтёри, ҳаракатланувчи состав ремонти бўйича слесарь, слесарь-сантехник, автоматика, телемеханика ва алоқа (СЦБ) электр монтёри;

ТЕМИР ЙЎЛ УЧУН: тепловоз машинисти (10-синфни битирган, Совет Армияси сафларидан қайтган йигитлар қабул қилинади), **тепловоз машинистининг ёрдамчиси, ҳаракатланувчи состав ремонти бўйича слесарь, товар-билет ва юк кассирлари, багаж ва юк қабул этиб топширувчилар, электр-газ пайвандчилар, лифтлар ремонти бўйича механиклар.**

Билим юртига 8 — 10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 1 —3 йил.

8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар билим юртини тамомлаш билан ўрта ҳунар-техника маълумоти ҳақидаги диплом оладилар ва давлат таъминотида бўладилар, уларга кийим-бош берилади. 3 маҳал овқатланилади; 10-синф ҳажмида маълумотлиларга ойнга 30 сўм ҳажмида стипендия берилади, тепловоз машинистлари группалари учун 72 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ҳамма ўқувчиларга меҳнат ҳақи ҳисобига 50 процент ҳажмида пул мукофотлари берилади.

Билим юртини битиргач ҳамма ўқувчилар иш билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланмалар берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан ва медицина справкалари, 6 та (3х4 см. ҳажмида) фотосурат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй, (4, 9, 11, 14, 23, 28-трамвайлар; 18 54-автобуслар; 13, 16-троллейбусларнинг «Киров номли маданият ва истироҳат боғи» бекати). Телефон 53-43-52.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

17 МАЙ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 «Сиз яратган боғ». 19.00 «Футбол шаҳри». 19.30 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА! Уличч соатсозлик заводида ВЛКСМ XIX съездига бағишланган социалистик мусобақа ҳақида. 20,00 Ёшлар ҳақидаги қўшиқлардан концерт. 20.30 «Ёшлар адреслари». 21.30 «Время». 22.00 ВЛКСМ XIX СЪЕЗДИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН СПОРТ БАЙРАМИ. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 19.45 «Халқаро панорама». 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Ҳайкалтарош Манизер». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.00 «Серташвиш ёшлик». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тулки Лариска қандай қилиб хазина излади». Қўғирчоқ фильм. 18.20 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанга сидқидилдан хизмат қилайлик» (рус.). 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Шеърият билан учрашув». Кўрсатувда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари иштирок этади. 20.15 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Время». 22,00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.15 Ўзбекистон ўқитувчиларининг VI съездига. «Устоз ва мураббий». 23.15 Янгиликлар.

II

17,55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Комсомол». Телефильм. 18.30 «Биз ғаллакор авлодиданмиз». Телевизион фильм. 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 19.50 «Қашқар». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ўқитувчи, сенинг номинг олдида...» Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 21.30 МТ II.

18 МАЙ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Москва». Кинокўрсатув. 9.50 «Улар биринчиларидан эдилар». Бадиий фильм. 11.25 «Бизнинг меҳнаткаш ёшлигимиз». Совет қўшиқларидан концерт. 11.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Комсомол — менинг тақдирим». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16,25 Халқаро Музейлар куни. 17.00 «Қўшиқ ҳақида достон». Фильм-концерт.

18.20 В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 60 йиллигига. «Тантанали равишда ваъда бераман». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Қозоғистон ССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 20.05 «Ўз ерингни топ». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.20 «20 декабрь». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Олам кинокамера кўзгусида». 23.30 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 А. Скрябин. «Прометей» («Олов поэмаси»). Фортепьяно, хор ва оркестр ижроси учун. 19.15 «Кучлилар, довюраклар, эпчиллар». 20,00 «Социалистик мамлакатлар дўстлик кубоги» учун мотоспорт бўйича Халқаро мусобақалар. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Спорт ҳафталиги. 21.15 «Жаҳон велосипед пойгаси». Польшадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.15 «Қизил агитатор Трофим Глушков». Телевизион бадиий фильм. 23.55 Москва камер оркестрининг концерти.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун фильм. «Қурбақа ва эдельвейс». 12,05 «Киев ҳақида табассум билан». Телевизион фильм. 12.30 Адабиёт. Адабиёт назариясига оид материалларни такрорлаш. 13.00 «Темур ва унинг командаси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Шоирлар—болаларга». Зафар Диёр. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен — комсомол». ВЛКСМ XIX съездига бағишланади. 19,00 «Фалсафа ва маданият». СССР ва ГДР философларининг XI конференцияси. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Халқаро Музейлар кунига. «Ўзбекистон Давлат санъат музейи заллари бўйлаб». «XX аср француз рассомлари». 20.15 «Ўғза парваришига — аъло сифат». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ёш солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22,15 «Оловли соҳил». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»). 23.30 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Денгиз ёнидаги музей». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.35 Реклама. 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.50 «Гжель жилолари». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Одесса этагидаги чўлда». Телефильм. 20.30 Абитуриентлар учун. Математика. 21.30 МТ II.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

17 МАЙ, 1982 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

Р—02960.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; аълоналар бўлими—33-81-43; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691